



№30 (883)
2025 йил 11 апрель,
жума

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook.com/uzbunyodkor telegram.com/uzbunyodkor instagram.com/uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.

РЕНОВАЦИЯ ТАРТИБ-ТАМОЙИЛЛАРИ БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 9 апрель кун
шаҳарсозлик реновациясининг ҳуқуқий
асосларини белгилаш бўйича
таклифлар тақдироти билан танишди.**

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимиз аҳолиси 6 миллионга кўпайди. Шу даврда ярим миллионга яқин хонадонлар барпо этилди. Жумладан, ўтган йили 100 минг хонадондан иборат кўп қаватли уй қурилган бўлса, бу йил янада кўп – 130 мингдан ортиқ хонадон режа қилинган.

Яқин йилларда аҳолимиз сони 40 миллион нафарга етиши кутилмоқда. Бундай ўсишда йилига 140-150 минг хонадонга талаб пайдо бўлади. Бу ҳар йили қўшимча 2 минг гектар ер керак, дегани. Лекин ер майдонлари ҳам чекланган.

Бундай ҳолатда реновация дастури қўл келади. Масалан, республикада 17 мингта 2-3 қаватли эски уйлар бор. Улардаги шароит, муҳит бугунги замонга муносиб эмас. Электр, газ, сув ва бошқа инфратузилмалар эскирган, кўпларида оқова тармоғи ҳам йўқ.

Шуларнинг ўрнида замонавий уйлар қурилса, ҳозиргидан 3 баробар кўп аҳоли жойлашади. Асосийси, хонадонларда янги коммуникация, иссиқ ва совуқ сув, оқова тармоғи бўлади. Одамлар озода, шинам ва файзли шароитларда яшайди. Бу орқали минглаб оилаларнинг турмуш даражаси ўсади, муҳими, улар ушбу шароитларни илк бор ўзлари ўсиб-ўлғайган жойда ҳис этишни бошлайди.

Яна бир муҳим томони – энергия тежамкорлик масаласи. Турар жойлар ахлит бўлса, инфратузилма тармоқлари, энергия кам сарфланади.

Ҳозиргача бу борада ягона хужжат йўқ эди. Шу боис, хорижий тажриба асосида, “Шаҳарсозлик реновациясини тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Тақдиротда реновация тизимининг ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий томонлари қўриб чиқилди.

Ў.А.



Қўриқлаш бўлими замонавий бинода

**Қува тумани Қўриқлаш бўлими маъмурий биносининг
фойдаланишга топширилиши маросимида вилоят ҳокими
Хайрулло Бозоров, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва
қўриқлаш бошқармаси масъуллари ҳамда фахрийлар иштирок этди.**

Тадбирда вилоят ҳокими сўнгги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби қўриқлаш хизматига ҳам катта эътибор қаратилиб, соҳани чинакам халқчил ва профессионал тузилмага айлантириш борасида кенг қўламли ишлар бажарилгани, тизимга инновацион ёндашувлар, рақамли технологиялар ва илм-фан уюлуклари жорий қилиниб, фуқароларнинг хонадонларини ва объектларини қўриқлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича илгор хорижий тажрибалар йўлга қўйилаётганини қайд этди.

3 млрд сўмдан зиёд маблаг эвазига замон талабларига мос равишда барпо этил-

ган ушбу маскан ҳам шахсий таркиб учун муносиб туҳфа бўлганини таъкидланди. Бундай эътибор, яратилган шарт-шароитлар барча ҳодимларга юрт осудалиги, аҳоли тинчлигини асраш ва ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлиқни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларни мол-мулкларини кафолатли қўриқлашда янада куч-қувват ҳамда шижоат бағишлашга ишонч билдирилди.

Тадбирда қўриқлаш бўлиmlарига замонавий хизмат автомобиллари тантанали топширилди.

Ў.З. мухбиримиз.

Қишлоқлар инфратузилмасига эътибор ортимоқда

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Мустақилликдан олдинги йилларда шаҳар билан қишлоқни тенглаштириш ғояси илгари сурилар эдию, лекин амалга ошмай қолавларди. Бугунги кунчи...



Шаҳардаги барча қўлайликлар – кўп қаватли бинолар, турар жойлар дейсизми, дам олиш масканларию, аллеялар, хиебонлар, замонавий ижтимоий соҳа объектлари, тиббий хизмат кўрсатиш масканларининг ҳеч бири ташқи қўринишию хизмат сифати билан шаҳардан қолишмайди. Буларнинг барчасини Қорақалпоғистон Республикасининг кўплаб қишлоқлари мисолида қўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Беруний туманига 16,2 миллион АҚШ доллари миқдорига маблаг ажратилиб режалаштирилган. Шундан, 23 миллион сўмдан ортиқ маблаг Абай номи ОФЙ худудини ривожлантириш (ижтимоий) соҳа

объектлари, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар) учун ажратилиши белгиланган эди. Яқинда ОФЙда

1-босқичда қурилиши белгиланган 3 қаватли маҳалла ва аҳолига хизмат кўрсатиш биноси, 90 ўринли мактабгача таълим ташкилотининг биноси ҳам қўриб битказилди.

Шунингдек, “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида овул фуқаролар йиғини худудида 8,5 километр тупроқ йўллари асфальтлаш, 68-сонли мактабга қўшимча ўқув биносини қуриш ва 17-сонли мактаб биносини таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

Хотин-қизларга янги уйлар берилди

Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманидаги Тошкент маҳалласида қурилган кўп қаватли уйнинг 10 та хонадонни ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган оилаларга топширилди.



ри – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова бошчилигида кўплаб меҳмонлар ташриф буюрди. Хол-аҳвол сўраб, яхши тилаклар билдиришди. Ростки, кўзларимга қувонч ёши келди. Ахир, бу кунларни узоқ йиллар орзиқиб кутганмиз. Бизни қўллаганлар, ўз ёрдамларини аймаганларнинг бирига минг берсин, – деди Каромат Қаҳрамон кизи Ў.А. мухбири Гулом Примовга.

– Сирдарё вилоят ҳокимлиги

ва Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан олиб борилаётган ижтимоий ҳимоя тадбирлари доирасида бу йил 100 дан ортиқ хотин-қизга уй-жой берилди, – деди Сирдарё вилоят ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Наргиза Тожибоева. – Қолаверса, “Инсон қадрини, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя асосида уларнинг бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, ишсиз ва касб-хунарсиз хотин-қизлар

ни фойдали бирон бир касб турига ўқитиш борасида тизимли ишларни олиб бораёلمиз. Бу эса ўз натижасини бермасдан қолмапти. Чунки улар ҳам жамиятда бахтиёр, фаровон яшагача ҳақли. Хонадон калитларини уй эгаларига топширишга бағишланган тадбир, чин маънода айтганда, байрамга айланиб кетди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З. Маҳкамова, туман ҳокими А. Умаров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш борасида олиб борилаётган ишлар, саховатли тадбиркорлар томонидан амалга оширилаётган хайрли ташаббуслар тўғрисида илиқ фикрларни билдириб, янги хонадон эгаларини уй-жой билан табриклаб, уларга ўз совғаларини тақдим этди. Шу куннинг ўзида яна бир хайрли иш амалга оширилди. Гулистон шаҳрида Оила ва хотин-қизлар маскани очилди. Унинг очилиш маросимида “Оқила аёллар” харакати аъзолари, нуруний онахонлар ҳамда маҳалла

хотин-қизлар фаоллари иштирок этди.

– Бу маскан нафақат оила аъзоларининг ўзаро муносабатларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, балки турмушга энди кадам қўяётган ёшлар ва хотин-қизлар учун янги билим ва кўникмаларни олишга имкон яратаяди, – деди Гулистон шаҳар ҳокими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Азиза Пайзиева. – Шу билан бирга, ёшлар ва аёллар учун ҳаёт сифатини яхшилаш, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

Тадбир иштирокчилари янгидан иш бошлаган масканда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, оиладаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ёшларга оилавий ҳаётнинг асосларини ўргатиш ва хотин-қизларнинг кундалик турмушдаги зарур хунарларни эгаллаши учун амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан фикр алмашишди.

Бу каби хайрли ишлар нафақат аёллар ва ёшлар учун қўлайлик яратаяди, балки жамиятдаги барқарорлик ва тинчликни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

ЙЎЛСОЗЛАР ШИЖОАТИ – ижобий ечимлар ижобати



Зиё СИРОЖ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Баҳор фасли келиши билан кўплаб соҳаларда иш янада тигизлашади. Жумладан, ҳозирда йўлсозларнинг иши кўпайган. Боиси, қиш фаслидаги ёғин-сочинли об-ҳаво оқибатида йўллар таъмирталаб ҳолатга келиб қолганди. Бунга иқлимдаги совуқ ва илқ ҳарорат туфайли асфальтда юзага келган майда ёриқларнинг ёғингарчилик ва автомобиллар ҳаракати натижасида кўчиши сабаб бўлган. Бу ҳолат соҳа ходимлари иборасида “чуқур чаноқ” деб аталади.



Айни пайтда Андижон вилоя-тида ҳам шу каби муаммоларнинг ижобий ечимини таъминлаш ишлари жадаллик билан олиб бо-рилмоқда.

– Вилоят бўйича автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги 13 305 километрдан иборат бўлиб, шундан 604 кило-метр қисмидаги чуқур чаноқлар-ни бартараф этиш кўзда тутилган, – деди вилоят автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Мир-зоҳиджон Нурматов. – Ҳозирга қа-дар 506 километр йўлда таъмир-лаш ишлари сифатли бажарилди. Қисқа муддатда 98 километрдан иборат йўлдаги чуқур чаноқларни бартараф этиш ишлари якунига

етказилади. Бундан ташқари, яна 194 километр автомобиль йўлида тўлиқ таъмирлаш ишларини ба-жариш режалаштирилган. Бир сўз билан айтганда, баҳор фасли йўл-созлар учун масъулиятли палла ҳисобланади. Сабаби, таъмирлаш ишлари қанчалик сифатли ба-жарилса, автомобилларнинг йил давомидаги ҳаракати шунчалик хавфсиз бўлади.

Айтиш жоиз, йўлсозлар учун ортда қолган 2024 йил ҳам масъ-улиятли кечди. Йил давомида 497 миллиард сўм миқдоридagi йўл қурилиши ишлари бажарилди. На-тижада 1419 километрдан иборат автомобиль йўллари қурилиб, ре-конструкция ва таъмирлаш ишла-

ри бажарилди. Эътиборли жиҳати, 1540 километр ички йўлларда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди.

– Маҳаллаимиз барпо бўлганига юз йилдан ошди, – деди Андижон туманидаги “Қум кўча” МФИда яшовчи меҳнат фаҳрийси Турсу-ной Аҳмадалиева. – Ортда қолган йиллар давомида ички йўлларда таъмирлаш ишлари бажарилма-ган эди. Тўғри, аҳоли ўз ташаббуси билан бир неча маротаба шағал тўкиш ишларини амалга оширган. Бироқ, бу билан ёзнинг чанг, киш-нинг лой азобидан қутулолмадик. Тўғриси, шаҳарнинг сифатли йўл-ларига ҳавас қилишдан ҳам чар-чаган эдик. Қутилмаганда, ички кўчаларимизда таъмирлаш ишла-рига киришилди. Қисқа муддатда асфальт ётқизилиб, узок йиллик муаммоларимиз барҳам топди. Бу ҳам бўлса, мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга бўлган эътибор натижаси, деб би-ламан.

Бу каби хайрли ишлар жорий йилда ҳам кенг кўламда олиб бо-рилиши режалаштирилган. Зеро, ҳозирда 598,5 миллиард сўм миқ-дорида йўл ишларини бажариш, 1265 километр автомобиль йўлини қуриш, реконструкция ва таъмир-лаш ишларини бажаришга кири-шилган.

– Жумладан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси-ни ривожлантириш дастури дои-расида 85,9 миллиард сўм миқ-доридаги лойиҳа ишлари амалга оширилади, – деди бошқарма матбуот хизмати раҳбари Юлдуз-жон Маллабоева. – Ҳаммамизга маълумки, йўл сифати кундалик ташки таъсир натижасида ўз си-фатини йўқоқа бошлайди. Уларни техник соз ҳолатда сақлаш учун эса ўз вақтида таъмирлаш ишларини олиб бориш зарур бўлади. Шу боис,

397,3 километр йўлда доимий на-зорат ва таъмирлаш ишлари йўлга қўйилади. Бу каби ишларни амалга оширишда давлат дастурларининг ҳам аҳамияти жуда катта. Жумла-дан, “Ташаббусли бюджет”, “Кам-бағалликдан фаровонлик сари” каби дастурлар доирасида 850,6 километрдан иборат йўлларда йўл қурилишига доир саъй-ҳаракатлар бажарилади.

Қўприклар манзилларни ўз-аро туташтирувчи, узокни яқин қилувчи восита ҳисобланади. Шу боис Андижон вилоятда ҳам мавжуд кўприкларни соз сақлаш, янгисини барпо этишга катта эъ-тибор қаратилади. Жорий йилда ҳам 12 та кўприкда таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган. Хусусан, “Биш-кек-Душанбе-Термиз” йўлининг 585,2 километридаги “Шаҳрихон-сой” сойи устидан ўтувчи “Кескан-ёр” кўприги реконструкция қили-ниб, фойдаланишга топширилади.

– Сўнгги йилларда барча соҳа-ларда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда, – деди Олий Маж-лис Сенатининг Бюджет ва иқти-содий масалалар қўмитаси аъзоси Уктамжон Охунов. – Жумладан, йўл қурилиши соҳасида эришилаётган ижобий натижалар қувонarliдир. Автомобиллар ҳаракатланувчи кенг ва раvon йўллар, йўл четига ўрнатилган белгилар хавфсиз ха-ракатни, йўл бўйларига экилган даракт кўчатлари табият мусоффо-лигини таъминлайди. Буларнинг барчаси йўлсозларнинг самарали меҳнатлари махсулидир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин-ки, вилоятда нафақат манзиллар-ни, балки кўнгулларини ҳам ўзаро бовлочи йўлларни таъмирлаш орқали уларни соз ҳолатда сақлаш ишлари сидқидиллик билан амал-га оширилмоқда.

ҚУРИЛИШ ЖАДАЛ КЕТМОҚДА

Бекжон ЖЎРАҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистонда замонавий ва хавфсиз транспорт инфратузилмасини яратиш йўлида қатор ислохотлар амалга оширилаётган бир пайтда, Жиззах шаҳрида мамлакат миқёсида муҳим аҳамиятга эга яна бир йирик лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. У ҳам бўлса, 4К-253а Ислон Каримов шoҳқўчасидан бошланиб, М-39 Тошкент-Термиз халқаро аҳамиятга эга автомагистралга уланувчи мутлақо янги транспорт йўналишини бунёд этиш ишларидир.



Мазкур иншоотнинг умумий узунлиги 4 ки-лометрни ташкил этиб, унга қўшимча равишда 700 погон метрли йўл ўтказгич ҳам барпо этилмоқда. Бу стратегик аҳамиятга молик йўл фақатгина Жиззах шаҳар транспорт тизимини эмас, балки бутун минтақа лoгистикасини ҳам мутлақо янги бoсқичга олиб чиқиши шубҳасиз.

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Прези-дентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сон-ли қарорига мувофиқ, Республика бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган бўлиб, қу-рилиш ишлари 2022-2026 йиллар давомида бoсқичма-бoсқич амалга оширилиши кўзда тутилган.

Буюртмачи сифатида “Умумий фойдала-нишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва ре-конструкция қилиш дирекцияси” ДУК ишти-рок этмоқда. Лойиҳанинг техник ечимлари “Боштранслойиҳа” АЖ муҳандислари томони-дан ишлаб чиқилган. Бевоcита қурилиш май-донида эса “Қамчиқавтoйўл” ИЙФУК ва “Қўп-риқ қурилиш” АЖ каби юртимизда етарлича тажриба тўплаган пудратчи ташкилотлар фа-олият олиб бoрмоқда.

Қурилишнинг умумий лoйиҳа қиймати 257,1 миллиард сўмни ташкил этади. 2025 йил учун белгиланган лимит 90 миллиард сўм бў-либ, ҳозиргача 63,3 миллиард сўм ёки 25 фоиз маблаг ўзлаштирилди. Шу пайтга қадар бажа-рилган ишлар ҳажми эса 70,9 миллиард сўмни (28 фоиз) ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич лoйиҳа ўз вақтида ва юқори сифатда амалга оширила-ётганидан далолат беради.

Кенг кўламли қурилиш ишлари муноса-бати билан қурилиш ҳудудида жойлашган 25 та турар ва нoтyрар бинолардан 23 таси тўлиқ бузилиб, лoйиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган фронт тўлиқ очиб берилган.

Мукташам иншоотда А1 ва А2 қирқoғ таянч-лари учун қўйма қoзиқ қoқиш ишлари олиб бо-рилиб, жами 13 200 м³ бетон қуйилди. П1 ва П2 промeжyтoчнaя таянчлари учун қўйма қoзиқлар тўлиқ якунланди. Шу билан бирга, oпopаларнинг юқoри қисмидаги темир-бетон конструкциялар учун 1300 тoннa арматура қарқас тўқилиб, замo-навий мyҳандислик стандартлари асосида мyс-таҳкамлаш ишлари амалга оширилди.

Ҳозирги кунда oбъeкта тyнeл қурилиши, йўл ўтказгичлар учун пoйдeвop қaзиш ва бе-тонлаш ишлари қизғин тyс олган. Бу жараён-ларда 120 000 м³ тyтpoқ ишлари, 520 м³ бетон қуйиш ва қўшимча арматура тўқиш ишлари олиб бoрилмоқда.

Автомобиль йўлининг 4 километрлик қисмида 3 километрда асос тайёрлаш ишлари якунига етиб қолган бўлиб, 710 дона махсус сув қoчириш лaтoқлари ўрнатилиши белгиланган. Шунингдек, 2150 метр узунлиқдаги йўлда кyм-шағал аралашмасини зичлаш ишлари махсус техникалар ёрдамида амалга оширилмоқда.

Қайд этиш жоиз, мазкур қурилишда бутун-г кунда 110-120 нафар тажрибали ишчи-мон-тажчилар ва юздан oртиқ замонавий қурилиш техникалари жалб этилган. Улар ўз меҳнати билан Жиззахнинг юрагида янги транспорт артериясини шакллантирмоқдалар.

ҚУЛАЙ “ЯШИЛ МАКОН”ЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Замонавий шаҳар ҳаётида турмушнинг енгил ва қулай бўлиши катта аҳамият касб этади. Бошқарув сервис компаниялари эса ана шу қулайлик ва енгилликни яратиш билан боғлиқ масъулиятни ўз зиммасига олган. Улар уй эгаларини кундалик турмушдаги турли ташвишлардан озод этади ва ишларга ўзлари мустақил ечим излайдилар.

Айтайлик, электр энергияси билан боғлиқ муаммолар ёки қувурларнинг ёрилиши, фасадни таъмирлаш уй эгаларининг умумий мулки бўлган кўп қаватли уйларни доимо яхши сақланиши уларнинг зиммасида. Бевоcита давлат раҳбари томонидан жорий этилган мазкур тизим, ҳаттоки, ривожланган давлатларда ҳам ўзининг истиқболли эканини кўрсатган. Юртимизда кенг қулоч ёзган “Яшил макон” лoйиҳасида ҳам бошқарув сервис компаниялари ишчи-ҳодимлари фаoллик кўрсатиш-моқда.

Пойтахтимизнинг Юнусoбoд ту-манидаги Юнус ота маҳалласига кел-ган инсоннинг баҳри дили очилади. Кўп қаватли уйлар ҳовлисида қийгoс гуллаган мевали дарактлар манзилга ўзгача фaйз бағишлаган. Баҳорда гул-лаган дарактлар ташриф буюрувчига завқ бағишлайди. Ёзда эса бу даракт-лар ҳам соя, ҳам сархил меваларни тортиқ этади. Ваҳоланки, илгарилари бундай манзарани кўриш амримаҳoл эди. Маҳалланинг аввалги қиёфасини шу ерда яшовчилар жуда яхши билиша-ди. Артём Секинаевнинг ПБК “Feniks Art Servis” МЧЖ раҳбари сифатида иш бошлаши нафақат кўп қаватли уйлар-нинг балки, унга туташ бўлган ҳудуд майдонининг ҳам қиёфасини ўзгартир-ди. Ҳар йили ушбу БСК ходимлари тур-ли дарактлар экишади.

– Бизнинг бошқарув сервис компа-нияси Юнусoбoд туманидаги 12-, 13-, 14-мавзeлардаги кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатади, – деди Артём Секи-наев. – Ҳар йили биз “Яшил макон” лoй-иҳаси доирасида 500 тага яқин даракт экяпмиз. Ушбу дарактларнинг биринчи навбатдаги вазифаси атрофга тоза ҳаво тарқатиши. Ҳозир мевали дарактларни кўпpоқ экяпмиз. Фарзандларимиз бу дарактлар қандай ўсади, гуллаб, мeвa бeришини кўришсн. Улар дарактларда eтилган мевалардан баҳраманд бўлиш-са, хурсанд бўламиз. Биз аҳоли хурсанд бўлиши учун бeминнат хизмат кўрсa-тишга ҳаракат қиламиз. Кўп қаватли уйларнинг ҳар бирида уйбошлари бор. Мевали ва манзарали дарактларнинг бекаму-кўст қад кўрсатишига улар қа-рaб туришади. Янги нихoллaр икки-уч йилдан сўнг ҳoсил бeрсa, албатта, ҳам-ма хурсанд бўлади. Дарактларга ҳам мeҳр ва парвариш зарур, шу сабабли умуmий мулкка кўпчилик масъул. Уму-мий мулкимиз бўлган дарактлар, йўл-лар, кўчалар, уйларни авайлаб-асраш бўйича аҳоли ўртасида доимий ра-вишда тушунтириш ишларини олиб бoрамиз.

“Яшил макон” умуmмиллий лoйиҳa-си доирасида даракт кўчатларини eкиш жуда муҳим. Айниқса, кўп қаватли уй-лар ҳовиларида ҳам кўчатлар eкил-са, аҳолига янада чиroyли ва coғлом



муҳит тақдим қилади. Бошқарув сервис компанияси ҳам шу мақсадда ҳар йили кўчатлар eкишмоқда. Бу орқали улар шаҳарни яшиллантиришга ҳисса қў-шишмоқда. Артём сингари БСК масъ-уларни шаҳар ҳудудида фаол иш олиб бoришмоқда. Улар нафақат кўп қаватли уйлар ҳовиларини oбoдoнлаштириш, балки янги имкoниятлар яратишда ҳам ўз ҳиссасини қўшишмоқда. Ҳар бир ҳoвлига eкилган кўчатлар ва гуллар янги ҳаётни бошламоқда. Компания ҳудуддаги биноларнинг таъмирлани-шини назорат қилади ва инсонларга қулай шарoитларни яратишга эътибор қаратиб, кўп қаватли уйлардаги барча коммунал хизматларни aъло даражада таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

– Аҳолига аввало, яхши яшаш ша-роити керак, – деди Артём Секинаев.

– Энг асосийси вазифамиз oдамларни хурсанд қилиш. Биз хизмат кўрсaтyв-чи ҳудудлар атрофи oзoда, дарактлар eкилмоқда. Электр энергиясини иқти-сoд қилиш мақсадида кyёш нурларидан заряд олиб фaкат кeчкyрунги вақтларда ёнадиган чироклар ўрнатдик. Бyтyн-ги кунда катта ишлар амалга oширил-моқда. Авваллари eртўлалар сувга тў-либ ётарди. Ҳoзирга кeлиб eртўлалар қуруқ, том қисмларнинг барчаси таъ-мирдан чиқарилган. БСКлар учун тур-ли имтиёзлар, қулайликларни яратиб бeраётган, соҳага катта эътибор бeра-ётган Давлатимиз раҳбарига миннат-дорчилик билдирамиз. Утган олти йил ичида жуда катта ислохотлар амалга oширилиб, уйларни бошқариш ва улар-га хизмат кўрсатишда катта ўзгаришлар бўлди.

БСКларнинг кўнгилдагидек фаoли-ят юритиши уй эгаларининг миннат-дорчилигига сабаб бўлмоқда. Масалан, авваллари Чилонзор туманидаги “Бо-тир” МФИ ҳудудидagi кўп қаватли уй-ларга хизмат кўрсатилмаганди. Шаҳo-биддин Бoқиянoвoв раҳбарлигидagi бошқарув сервис компанияси бу муaм-мoга жиддий ёндашиб, маҳалланинг ўзига хoс ҳoлатига eчим тoпиб, маҳал-ладаги барча уйлар бoсқичма-бoсқич таъмирланди. Ҳoвилардаги яшил ҳу-дудлар кeнайди.

– Маҳалладаги кўп қаватли уйларни қабул қилиб oлганимизда кўплари жуда харoб ҳoлатда эди, – деди БСК раҳбари Шaҳoбиддин Бoқиянoвoв. – Шитларда, кириш қисмларда ҳам муaммoлар бoр эди. Айниқса, eртўлалардаги aҳвoлни кўриб, канализация қувурларини тўлиқ

таъмирлаш ишларини амалга oшириш-ни биринчи навбатдаги режа қилиб oлдик. Умуmий ҳисoб-китoб қилгани-мизда, ҳар бир кўп қаватли хoнадонлар-да пoдъeздига қараб бизни сmетaмизга кўра, 200 миллион сўм пул сарфланиши кўзланганди. Бoсқичма-бoсқич барча йўлакларни таъмирладик. Режaмизга кўра, 124 та кўп қаватли хoнадонларга хизмат қилишини биз режaлаштирган эдик, бyтyнги кунда уларнинг 41 тасини қaмрaб oлганимиз. “Яшил макон” уму-миллий лoйиҳаси бўйича биз кўп қавaт-ли уйлар атрофини ҳам oбoд қилишга, бoғлар яратишга aлoҳида эътибор қa-ратиб кeляпмиз. Биз хизмат кўрсaтyвчи кўп қаватли уйлар шаҳар ҳудудидa бўл-гани учун aҳoлининг вақти тийизлиги сабабли дарактларни сyғуришга, пар-вариш қилишга уларнинг имкoни бўл-майди. Шу сабабли БСК қoшида “Яшил макон” лoйиҳасини амалга oширадиган гyрyҳ ташкил қилмоқчимиз. Техника ва aлoҳида бoғбoнларимиз eкилган да-рактларни янги eкилганидан бoшлаб, мeвaга киргyнга қадар парвариш қилиб тyрадиган мeханизм яратиш ниятида-миз.

“Яшил макон” умуmмиллий лoйиҳa-си шаҳар aҳoлиси учун aлoҳида aҳaм-иятга эга. Бу лoйиҳa нафақат табиятни сақлаш, балки oдамлар учун coғлoм муҳит яратишга ҳам қаратилган. Шy-нингдек, у шаҳарда яшаш даражасини oширишга хизмат қилади. Шу тyфaйли Ўзбекистон Рeспyбликаси Қурилиш ва уй-жoй коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг қуйи ташкилотлари бoш-қарув сервис компаниялари aҳoлига хизмат кўрсaтишида, кўп қаватли уй-лар ҳудудларини oбoд қилишда айни жиҳатларга эътибор қаратишмоқда. Бу лoйиҳa шаҳар мyҳитини янада яхши-лаш ва oдамлар учун қулай “Яшил ма-кон”ларни яратишга қаратилган.

ШАҲАРСОЗЛИКДА “ШАМОЛ ГУЛИ”

лойиҳалашнинг
айрим жиҳатлари
(Тошкент шаҳри мисолида)



Асадулла ХОТАМОВ, Тошкент архитектура-қурилиш университети профессори.
Хурсанд АЛЛАБЕРГАНОВ, мустақил изланувчи.

Таҳтиларга кўра, Тошкент шаҳрида бино ва иншоотларнинг бош режаларини лойиҳалаш жараёнида “Шамол гули” йўналишига эътибор бермаслик ҳаво ифлосланиши ҳамда аҳоли саломатлигига зарар етказиш ҳолатлари кўпайишига олиб келмоқда.



Маълумот учун: “Шамол гули” – маълум бир ҳудудда такрорланадиган шамоллар йўналиши ёки бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда эсадиган шамоллардир.

Хусусан, Жаҳон банки томонидан ҳавонинг РМ2,5 зарралари билан ифлосланиши Тошкентда ҳар йили тахминан 3000 кишининг бевақт ўлимига олиб

келиши, аҳоли фаровонлигига салбий таъсири эса йилга тахминан 488,4 млн АҚШ долларини ташкил этиши мумкинлиги маълум қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, аҳолининг грипп, юқори ва қуйи нафас олиш йўллариининг ўткир инфекциялари билан касалланиш ҳолатлари

2018 йилда 437,9 мингтани ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2023 йилга келиб 622 мингтани ташкил этган (1-расм).

Тошкент шаҳрида РМ2,5 заррачаларининг концентрацияси киш ойларида энг юқори даражага етади. Шаҳарда РМ2,5нинг ўртача йиллик концентрацияси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) белгиланган меъёр (5 мкг/м³) дан ўртача 7 баравар кўпроқни ташкил этади. Жаҳон банкининг маълум қилишича, Тошкентда РМ2,5 заррачалари билан антропоген ифлосланишнинг асосий манбалари иситиш сектори (28 фоиз), транспорт (16 фоиз), саноат (13 фоиз), йўл чангининг кўтарилиши, қурилиш ишлари (7 фоиз) ва инсон омилига боғлиқ бўлмаган трансчегаравий шамол билан келадиган чанглар (36 фоиз) ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда шаҳарсозлик нормалари, стандартлар, техник регламентлар, методикалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга етарли даражада амал қилинмайди. Жумладан, Тошкент шаҳрида сўнгги 10 йилликда “Шамол гули”га қараб бино ва иншоотларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш амалиёти йўқлиги сабабли янги қуриладиган бинолар орасида ҳаво меъёр даражасида айланмаслигини кузатиш мумкин. Бугунги кунда “Шамол гули” деб аталувчи кўп йиллик кузатувлар асосида ҳисобга олиннадиган шамол йўналиши мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасида эътибордан четда қолган энг асосий

омил ҳисобланади. Шаҳарда чангни камайтириш масалаларини ҳал этишда бу кўрсаткич муҳим аҳамият касб этади.

Ўрганишлар натижасида маълум бўлишича, пойтахтда “Шамол гули” одатда, кундуз кунги текисликдан тоғли ҳудудлар томонга, кечки вақтларда эса тоғдан текисликка қараб эсади. Яъни, кун охирида Тошкент атрофидаги иссиқхоналар ва саноатлашган Чирчиқ, Олмалик, Охангарон, Ангрен шаҳарларидаги завод-фабрикалар чиқараётган ҳавони ифлослантирувчи моддалар тинч об-ҳаво шароитида пойтахтга кириб келади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари вазирлиги томонидан пойтахт атрофида жами 1314 гектар майдонда 631 та иссиқхона фаолият юритиши (2-расм) ва мазкур иссиқхоналарнинг 60 фоиз кўмир, қолганлари эса резина шиналар ҳамда бошқа ёнғич воситалардан фойдаланган ҳолда иситиладигани маълум қилинди.

Маълумот учун: сўнгги беш йилда иссиқхоналар сони Тошкент шаҳрида 2,5 баробарга, Тошкент вилоятида 2 баробарга ошган.

Натижада пойтахт атрофида “яшил ҳалқа” ўрнига ҳақиқатда иссиқхона ҳужаликларидан иборат “қулранг ҳалқа” шакланганлигини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолатда аслида “Шамол гули”-

нинг йўналишига қараб иссиқхоналарни ва шаҳар ичидаги бино ва иншоотларни лойиҳалаш зарур. Бироқ амалда бунга риоя қилинмаган.

Ўрганиш натижаларидан маълум бўлишича, Бишкекда газ етишмовчилиги сабабли биноларни иситиш учун кўмир ёқилгисидан фойдаланилади. Кўмир эса ёниш вақтида ўзидан катта миқдорда ифлослантирувчи моддаларни чиқаради ва шу сабабли Бишкек ҳар йили куз-киш мавсумида ифлосланиш даражаси рейтингидида етакчи ўринларни эгаллайди. Муаммони ҳал этиш мақсадида Қирғиз Республикаси экологлари ва депутатлари келишган ҳолда завод-фабрикаларнинг иш режимини ўзгартиришига қарор қилдилар. Шамол йўналишига қараб заводда иш тартибини белгилаш йўли билан кечки вақтларда заводлар камроқ ифлослантирувчи моддалар ажратиб чиқарганда ҳавонинг ифлосланиши кескин камайишига эришилган.

Амалдаги ШНҚ 2.01.01-22 “Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан, Тошкент шаҳрида “Шамол гули” йўналиши кўпроқ (январда – 32 фоиз, июнда – 29 фоиз) шарқ томондан эсаётганлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли шаҳарсозлик-

да бош режаларни ишлаб чиқишда айнан шу ҳолатни инобатга олиш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳозирги жадал урбанизация жараёнлари пиедалар учун ноқулайликлардан тортиб, шаҳарнинг нафас олишини тўсиб қўйишгача бўлган бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шаҳар вентиляцияси унинг конфигурациясига кучли таъсир қилади. Шунинг учун уни қурилиш қоидалари ва қонунларида мажбурий элемент сифатида қўриб чиқиш муҳимдир. Бунда ҳудудлар бош режаларини “Шамол гули”га қараб ишлаб чиқиш асосий омил ҳисобланади.

Юқорида баён этилганлар асосида, “Шамол гули”дан самарали фойдаланиб, пойтахтимизда ҳавонинг имкон қадар тозаланишига эришиш мақсадида қуйидагилар тақлиф этилади:

– Тошкент шаҳри атрофидаги иссиқхоналарни “Шамол гули”га қараб жойлаштириш ва иссиқхоналарга ҳимоя фильтрларини ўрнатиш;

– Тошкент шаҳрида бино ва иншоотларнинг қурилишини лойиҳалашда, пойтахтимизда ҳавонинг имкон қадар ҳаракатини тўлиқ инобатга олиш;

– қурилиш режалаштирилаётган бино ва иншоотларнинг лойиҳаларини давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнида ҳудуд бош режасини “Шамол гули”га қараб ишлаб чиқилганлигини текшириш механизмларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.


Шунингдек, Тошкент шаҳри ҳаво-си таркибига энг кўп зарар етказётган иситиш сектори (28 фоиз) ва трансчегаравий шамол билан келадиган чанглар (36 фоиз)ни камайтириш мақсадида:

– марказлаштирилган иситиш тармоқларидан босқичма-босқич воз кечиш ва уларни локал (бинолар гуруҳи, бино ёки хонадон даражасидаги) тармоқларга алмаштириш;

– трансчегаравий шамол билан келадиган чангларни камайтириш мақсадида шаҳарни, айниқса, шамол йўналиши бўйлаб “яшил камар”ни махсус ихота дарахтларидан фойдаланган ҳолда кенгайтириш керак.

Юқорида келтирилган чора-тадбирлар махсус илмий-тадқиқотлар ва илғор хорижий тажрибалар асосида амалга оширилса, янада мақсадга мувофиқ бўлиб, пойтахтимизнинг мавжуд санитар ҳолатига албатта, ижобий таъсирини кўрсатади, деган фикрдамиз.

2-расм. Тошкент шаҳри атрофидаги иссиқхоналар жойлашуви.



Вобкентда сув таъминоти яхшиланмоқда

Зулфизар МАВЛОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сувнинг мавжудлиги нафақат инсон эҳтиёжлари учун, балки тараққиёт, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат ривожланиши учун ҳам асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бухоро вилоятининг Вобкент туманида сўнгги йилларда ичимлик суви таъминотини яхшилаш борасида сезиларли ишлар олиб борилди. Ҳудуддаги қишлоқ ва маҳаллаларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилиб, бу жараён ҳали давом этмоқда.

Охириги икки йилда тумanning Кўлодина, Қатаған, Бозоржойи, Чўриқалон, Латифсобунгар, Қўқдала, Работхоса каби ҳудудларидаги юзлаб оилалар учун сув қувурлари тортилиб, замонавий водопровод тизими ишга туширилди. Бугунги кунда туманда 17 660 та хонадон ва 375 та йирик ташкилот сув таъминотидан фойдаланмоқда.

Ичимлик сувида голан талаб йилдан-йилга ошиб бораётгани сабабли

ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият мутасаддилари томонидан қатор амалий чоралар кўрилиб, маблағлар ажратилмоқда. 2023-2024 йиллар давомида умумий узунлиги 124,8 километр бўлган янги ичимлик суви қувурлари тортилиши ҳисобига 4 890 та хонадон ҳамда 5 та йирик корхона сув билан таъминланди. Ҳозирда 44 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 19 тасида бу масала тўлиқ ҳал этилган бўлса, қолган ҳудудларда ичимлик суви қувурларини тортиш ишлари режалаштирилмоқда.

Туман аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашда “Бухоро сув таъминоти” АЖ Вобкент тумани филиали фаоллик кўрсатмоқда. Ҳозирда мазкур корхона тасарруфида “Пахтакор”, “Хайрхўш”, “Поноб”, “Шакаркент”, “Дамхўжа”, “Қўнғирот” ва “Дубоба” сингари 7 та гидрорешот фаолият юритади. Ушбу сув



иншоотлари орқали минглаб оилаларга тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда. Жумладан, Шакаркент қишлоғида 5 500 та, Хайрхўш қишлоғида 4 200 та, Пахтакорда 3 100 та хонадон ичимлик сувидан фойдаланмоқда. Мазкур қурилиш ишлари орқали, шунингдек, Дамхўжа қишлоғидаги 1 500 та, Қўнғирот қишлоғидаги 810, Поноб қишлоғидаги 1 450 та, Дубоба қишлоғидаги 1 100 та хонадонга сув етказилди.

Бугунги кунда Вобкент туманининг тоза ичимлик сувига эга бўлган аҳоли улуши 56 фоизни ташкил қилади. Бу борадаги ишлар янада кенгайтирилиши режалаштирилган бўлиб, тез орада қол-

ган ҳудудлар ҳам ичимлик суви билан таъминланади. Истиқболдаги мақсадлардан бири – ҳар бир хонадонга ҳавфсиз ва сифатли ичимлик суви етказиб беришдир. Бу нафақат аҳолининг турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатади, балки умумий саломатлик ҳолатини яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги ва саноатнинг барқарор ривожланишига ҳам замин яратади.

Вобкентда олиб борилаётган ислохотлар сув – ҳаёт манбаи эканини яна бир бор исботламоқда. Яқин келажақда туман аҳолиси тоза ичимлик суви таъминоти бўйича янада юқори натижаларга эришишига имкон бор.

“ДОН-ХАЛҚ РИЗҚИ” акциядорлик жамияти

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан жамиятнинг 2024 йил якуни муносабати билан ўтказиладиган акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилиши 2025 йил 29 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб жамият мажлиспар залида ўтказилади.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИГА ҚҮЙИДАГИ МАСАЛАЛАР КИРИТИЛГАН:

- Кузатув кенгашининг 2024 йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботи.
- Жамиятнинг 2024 йилги молия-ҳўжалик фаолияти якунлари тўғрисида бошқарув раиси ҳисоботи.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори ижроси тўғрисида бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олган фойдасини тақсимлаш ва тўланадиган дивиденд миқдорини белгилаш.
- Жамият бошқарув раиси билан меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш.
- Жамиятнинг 2025 йил учун мўлжалланган Бизнес-режасини тасдиқлаш.
- 2024 йил молия-ҳўжалик фаолияти бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
- Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
- Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
- Жамият ижроия органи номзодларини қўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
- 2025 йил учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Жамият манзили: Шаҳрисабз шаҳри, Беруний кўчаси, 111-“а” уй.
Мурожаат учун телефон: 75-522-02-69, 75-522-73-04.

ДЕЗИНФОРМАЦИЯ

унинг болалар тарбиясига психологик таъсири

Назим БЎРОНОВ,
мустақил тадқиқотчи.

Технологиялар тез ривожланиб борар экан, болалар ва ўсмирлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланган Интернет ва ижтимоий тармоқлар уларнинг билим доирасини кенгайтириш, ижодкорлигини ривожлантириш ва дунёқарашини шакллантириш имкониятини берса-да, аynи пайтда катта хавфларни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, болалар ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмагани сабабли ёлгон, нотўғри ёки манипулятив маълумотларни ҳақиқат сифатида қабул қилишга мойил бўлишади.

Сўнгги йилларда турли “чақирув” (challenge) ва ўйинлар болалар ўртасида кенг тарқалди. Улардан баъзилари, масалан, “Blue Whale” (Кўк кит), “Momo challenge” ёки “TikTok”даги хавфли вазифаларга асосланган трендлар болаларни ўз жонига қасд қилишгача олиб борадиган даражада руҳий босим остида қолдирган. Хусусан, Буюк Британиянинг “The guardian” нашрида чоп этилган хабарга кўра, 2025 йил февраль ойида тўрт нафар ота-она “TikTok” платформасини сулга берди, чунки уларнинг фарзандлари оммалашган “Blackout Challenge” ни бажаришга уриниб, ҳаётдан кўз юмган. Мутахассислар ушбу челленжнинг оқибатлари яшириб кўрсатилгани учун дезинформация деб атайди. Ота-оналар “TikTok”нинг ушбу хавфли контентни тарқатишда масъулиятли бўлишга чақирди. Жорий йилнинг январь ойида қизамиқ эпидемиясига қарши вакциналар ҳақида нотўғри маълумотлар, хусусан, уларнинг хавфсиз эмаслиги ёки аутизм каби касалликларга олиб келиши ҳақидаги асоссиз даъволар ота-оналарнинг эмлашдан воз



кечишига сабаб бўлди. Натижада икки бола вафот этган. Шунингдек, қизамиқ каби олдини олиш мумкин бўлган касалликларнинг қайта авж олишига олиб келган. Бундай дезинформация кампаниялар, ёлгон “чақирув”лар ёки манипуляциявий контентлар болаларда руҳий тушунлиқ, қўрқув, ёлғизланиш ҳиссини кучайтиради. Айрим ҳолатларда бола ўзини баҳоланмаётгандек ҳис қилиб, виртуал дунёда “диққат марказида” бўлиш учун хавфли ишларни қилишга интилади. Бу эса тарбия жараёнида жуда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Юқорида санаб ўтилган таҳдидлар жохонда рўй беришига қарамадан, Ўзбекистон болаларига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Бугун мамлакатимизда дезинформацияга қарши курашиш, ёшларимиз унинг қурбонига айланмаслиги учун олиб борилаётган ислохотлар етарли эмасдек. Амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистонда ёлгон маълумот тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 202²-моддасига кўра, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет тармоғида тарқатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солинади. Шунингдек, Жиноят кодексининг 244⁶-моддасига кўра, жамоат тартибига ёки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлгон ахборотни тарқатиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет тармоғида тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 2 йилгача озодликни чеклаш билан жазоланади.

Хозир дезинформациянинг болалар тарбиясига салбий таъсирини камайтириш учун Ўзбекистонда мавжуд қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурати долзарб масалага айланган. Чунки амалдаги ҳуқуқий асослар кўпроқ жазолашга қаратилган бўлиб, хавфли ахборот оқимининг олдини олишга эмас, балки оқибатларини бар-

араф этишга йўналтирилган. Замонавий ижтимоий медиа муҳити эса тезкор, илгор ва профилактик (олдини олувчи) ёндашувларни талаб қилади. Бу борада ривожланган Германия ва Канада қонунчилик тизимидаги андозалар кўплаб мамлакатларга намуна бўлиши мумкин. Хусусан, NetzDG (Netzwerkdurchsetzungsgesetz) – “Интернетда провакациявий таҳдидларга ва ёлгон маълумотларга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун 2017 йили қабул қилинган бўлиб, Германия ҳукумати томонидан ижтимоий тармоқлар ва онлайн платформаларда нафратта, зўравонликка, ирқчиликка, киберҳужумга ва бошқа зарarli контентга қарши курашиш учун ишлаб чиқилган. Унга кўра, платформалар ўз фойдаланувчилари томонидан жойлаштирилган ноқонуний контенти 24 соат ичида олиб ташлашга доир мажбурият белгилаб қўйилган. Агар платформалар қонун талабларига жавоб бермаса, уларга катта (йигирма миллион еврогача) жарималар солиниши кўзда тутилган.

Канадада “Digital Charter Implementation Act” – “Рақамли устуворлик тўғрисида”ги қонун 2020 йили

қабул қилинган. Бу қонун Канадада рақамли хавфсизлиқни таъминлаш, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва фойдаланувчиларни Интернетда хавф-хатарлардан назорат қилишни мақсад қилади. Қонун давлат ва шахсий секторда ахборот хавфсизлигини мустахкамлашга йўналтирилган. Шунингдек, “The Youth Protection Act” – “Ёшлар ҳимояси тўғрисида”ги қонун бўлиб, болалар ва ўсмирларни Интернетдаги зарarli контентдан ҳимоя қилишга йўналтирилган. У, шунингдек, онлайн буллинг ва киберҳужумларнинг олдини олишга ҳам мўлжалланган. Таъкидлаш жоизки, Германия ва Канада қонунлари ўзларининг аниқ ва самарали тартибга солиш механизмлари билан нафақат дезинформация, балки Интернетдаги хавф-хатарлардан болалар ва ўсмирларни ҳимоя қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу қонунчилик тизимлари бошқа мамлакатлар учун ҳам фойдали тажриба бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда Германия ва Канададаги каби қонунчилик механизмларини жорий этиш дезинформация ва онлайн хавф-хатарлар билан самарали курашишга ёрдам бериши мумкин. Бироқ қонунларни жорий қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур, чунки бу Интернет эркинлиги ва шахсий ҳуқуқларни чеклашга олиб келиши мумкин. Платформалар ва Интернет компанияларининг жавобгарлигини ошириш, фойдаланувчилар томонидан тарқатилган зарarli контенти аниқлаш ва тезда олиб ташлашни таъминлаш, мамлакатда рақамли ахборот хавфсизлигини мустахкамлашда катта аҳамиятга эга. Бундай қонунларни жорий қилишда технологияларни тез ривожланишини ҳисобга олиш, платформаларни назорат қилишни оптималлаштириш ва рақамли хавфсизлиқни ошириш муҳимдир. Ҳар қандай қонун ижросида эркин фикр билдириш ҳуқуқини чекламаслик, шахсий эркинликни сақлаш ва фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш зарур. Шу билан бирга, платформалар ва давлат ўртасида ҳамкорликни мустахкамлаш, самарали ва жадаи мониторинг тизимларини жорий этиш ва халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш Ўзбекистон учун рақамли хавфсизлиқни таъминлашда муваффақиятга эришиш имконини яратadi.



ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА
O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адилов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожидин Ёшқувватов,
Қозим Туляганов,
Юлдаш Мағрупов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маккамов
Мусакхх	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Нашриёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ” НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсанотқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзТАШКЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (кабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ МУҲБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Бурутма – Г- 441.
2047 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нардда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга
келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
кайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ётаббердиев.

ЎЗА якуни – 21.05.
Тошпирилди – 23.20.

123456

ЛОЙИҲАЧИ ВА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кўқон шаҳар, “Азизтепа” маҳалла фуқаролар йиғини
худудидаги “Янги Ўзбекистон” массивида 16 та кўп
қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилган лойиҳа
бўйича Бош лойиҳа ва Бош пудрат ташкилотларини
танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қурилиш ишларини амалга оширишда иштирок
этиш истагида бўлган ташкилотлардан тижорат тақлифлари қабул қилинади.

Танловда энг юқори рейтингга эга ва самарали иқтисодий тақлифларни тақдим этган ташкилотлар ғолиб деб топилади.

ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАЙМИЗКИ, ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БИЛАН БИР ВАКТИДА БОШЛАНИШИ НАЗАРДА ТУТИЛГАН. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН:

- пудратчи ташкилотлар тижорат тақлифларини назорат ўлчови натижаларига мувофиқ аниқланадиган умумий қийматдан чегирма шаклида тақдим этишлари лозим;
- лойиҳачи ташкилотлар эса лойиҳанинг дастлабки қийматига нисбатан белгиланган фоиз кўринишида ўз тақлифларини тақдим этишлари талаб этилади.

Тақлифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор кўчаси, 52-“Б” уй, “CAPITAL BINO QURILISH” МЧЖ офиси.

Маълумот учун телефон: 99-030-50-90.

Электрон почта: psb_capital@mail.ru

ЕР ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ!

“OLMAZOR TRADE CENTER” МЧЖ томонидан Тошкент
шаҳар, Олмазор туманида, Ўзбекистондаги Ислон
цивилизацияси марказига туташ Қорасарой кўчаси худудида
жойлашган ер майдонида замонавий савдо мажмуасини барпо
этиш лойиҳаси доирасида ер ишларини амалга ошириш учун
пудратчи ташкилотларни танлаб олиш мақсадида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Танловда иштирок этувчи ташкилотлар ер
ишлари бўйича 1 (бир) куб метр ҳажм учун бел-
гиланган қиймат асосида ўз тижорат тақлифла-
рини ёзма шаклда тақдим этишлари лозим.

Тақлифлар қабул қилиш манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор
кўчаси, 52-“Б” уй, “OLMAZOR TRADE CENTER”
МЧЖ офиси.

ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил апрель ойининг 11-14 саналарида
таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодий
ислохотлар ва стратегик режалаштириш бўли-
ми етакчи мутахассиси **Бобур Бекмуродов**, Кўп
хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва экс-
плуатация қилиш тизимини мувофиқлашти-
риш ҳамда реновация лойиҳаларини умум-
лаштириш департаменти етакчи мутахассиси

Очилбой Низоомов, Шаҳарсозликда имконияти
чекланган шахслар манфаатлари таъминла-
нишини мувофиқлаштириш, энергия самара-
дорлик ва экологик дипломатия бўлими бош
мутахассиси **Азиз Мухаммадқулов**, Халқаро
ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан
ишлаш ҳамда ДХШ ва инвестиция лойиҳала-
рини шакллантириш бошқармаси бош мута-
хассиси **Абдукарим Саматов**, Хўжалик ишлари
бўлими бошлиги **Ақбар Мирзақаримов**, Қури-
лиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида
назорат қилиш инспекцияси юридик таъмин-
лаш бўлими етакчи юриконсулти **Ҳамдам-
бек Расулов**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza
qilish Respublika markazi” етакчи мутахассиси
Сардор Асатиллаев,

“O‘zshaharsozlik LITI” bosh loyiha instituti
davlat muassasasi Шаҳарсозлик ҳужжатларини
ишлаб чиқиш бошқармаси 6-устакхонаси техни-
ги **Абдувоҳиджон Тўраев**,

“Qo‘qon Loyiha Qurilish” МЧЖ лойиҳа бош
муҳандиси **Равшанбек Мелибоев**,

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш
ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳуду-
дий назорат қилиш инспекцияси хайдовчиси
Садатдин Убайдуллаев,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой ком-
мунал хўжалиги бош бошқармаси мурожаатлар
ва диспетчерлик хизмати шўъбаси бошлиги
Ботиржон Мухаммаджонов,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой комму-
нал хўжалиги бош бошқармаси Диспетчерлик
хизмати оператори **Шаҳзод Тулисов**, Ком-
плаенс назорати бўйича мутахассиси **Азамат
Файзиев**, Вобкент тумани қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси
Амонжон Ахтамов,

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**